



28
(1502)-son
16-iyul
2021

Xabar

ERUR SEN SHOH, AGAR OGOHSEN SEN, AGAR OGOHSEN SEN, SHOHSEN SEN.

О'ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 июл куни рақамли технологияларни жорий этиш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ИЖТИМОЙ ОБЪЕКТЛАРНИ ЮҚОРИ ТЭЗЛИҚДАГИ ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИГА УЛАШ

Оттинчи тоналари алоқа линиялари узунлиги, чизм. км

2021	24,6	93
2020	50,0	118
2019	75,0	178
2018	75,0	253

Мобил алоқа хизматларини ривожлантириш

2023	23,8	27,5
2022	20,0	20,0
2021	24,1	28,1

Умумлашган интернет тезлиги рейтинг

2021 йил	2022 йил	
Кенг полосали интернет	91 / 40,5 Мбит/с	80 / 65 Мбит/с
Мобил интернет	120 / 18,5 Мбит/с	100 / 27 Мбит/с

Ташрифдан сўнг БОЛАЖОНЛАР ОРОМГОҲЛАРДА

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш.Содиқовнинг Самарқанд вилоятига ташрифи давомида "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали фаолияти, моддий-техник базаси, сотув марказлари ҳолати, боғламаларни қўшимча автомашина воситалари билан таъминланганлик ҳолати ўрганилган эди.

Бугунги кунда Самарқанд филиалига иккита "Дамас" автомашинаси ажратилди, шаҳар ва туман телекоммуникациялар боғламалари Савдо офислари учун янги мебел жиҳозлари келтирилди. Шунингдек, Иштихон телекоммуникациялар боғламаси биносидан тубдан таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Вилоятимиз алоқачиларининг ўғил-қизлари ёзги таътилни мазмунли ва мароқли ўтказишлари учун босқичма-босқич дам олдирилиши режалаштирилган бўлиб, 2021 йилнинг 1-даврасида "Ўзбектелеком" АК Самарқанд филиали алоқачиларининг ўн нафар, 2-даврасида 17 нафар ва 3-даврасида 18 нафар ўғил-қизлари Ургут туманининг "Чор чинор" оромгоҳида дам оладилар.

Болаларни соғломлаштириш тадбирлари иш берувчилар билан ҳамкорликда олиб борилмоқда.

ИМКОНИАТ

КРЕДИТ ТАРИХИ ҲАҚИДА БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ ЯГОНА ПОРТАЛДА

Кредит тарихи ўзи нима? Кредит тарихи умр давомида бир марта бўлса ҳам банклар, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар, лизинг компаниялари, маиший техника, мебел ва шу каби дўконларнинг кредит хизматларидан фойдаланган ҳар қандай инсонда мавжуд.



Бу нима учун керак?
Кредит тарихига асосан, қарздорларнинг молиявий ҳолати, шунингдек, қарзни қайтара олиш қобилияти баҳоланади, шунингдек, қарздорларнинг баҳолаш рейтинг тизими (скоринг) шаклланади.

Кредит скоринги – бу сизнинг кредитини тўлай олиш қобилиятингизни балл бериб орқали баҳолаш тизими. Сизга бериладиган балллар муддати ўтган қарздорликнинг мавжуд ёки йўқлиги, шунингдек, да-

лотларини олиш бўйича имконият шунчалик баланд бўлади.

Мухим! Скоринг балини ошириш учун ўз кредит тарихингизни кузатиб боришингиз, қарз юки ҳажмини кўпайтирмасдан, мажбуриятларни ўз вақтида бажариб боришингиз зарур.

Скоринг бали қанчалик юқори бўлса, кредит ва кредит маҳсу-

лотларини олиш бўйича имконият шунчалик баланд бўлади.

Кредит тарихингизни Ягона портал (my.gov.uz) орқали олиш имконияти мавжудлигидан хабардормисиз? Бунинг учун Ягона порталда рўйхатдан ўтган бўлсангиз кифоя. Порталга кириб, "Кредит тарихини олиш" бўлимига ўтасиз. Бир нечта қадамдан кейин сизга олган кредитларингиз ҳақида батафсил маълумот тақдим этилади.

Мухим! Сиз ҳеч қандай сабабларни кўрсатмасдан, йилига фақат бир марта текинга ва исталганча пуллик асосда ўз кредит тарихингиз тўғрисидаги маълумотни олиш ҳуқуқига эгасиз.

Сизга ҳатто кредит олувчи сифатида баҳо ҳам қўйилади. Агар яхши баҳога эга бўлсангиз, келгусида яна кредит олишингизда банклар сизга ишонч билан қарашади, акси бўлса...

ГЛОБАЛ КОМПЮТЕРЛАР БОЗОРИ

(2021 йил 2-чораги, КОМПАНИЯЛАР, ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ҚУРИЛМАЛАР Сони, млн.)

1. **LENOVO** – 20,00
 2. **HP** – 18,59
 3. **DELL** – 13,97
 4. **APPLE** – 6,41
- **Бошқалар** – 17,31
 - **ЖАМИ** – 82,32



Манба: Canalys

Харакатлар стратегияси

Jumadan
Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан 2021 йил 15-16 июл кунлари Тошкент шаҳрида “Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзuidaги халқаро конференция бўлиб ўтмоқда. Форумнинг асосий мақсади Марказий ва Жанубий Осиё давлатлари ўртасидаги тарихан яқин ва дўстона алоқаларни, ишонч ва яхши кўшничиликни икки минтақа халқлари ва мамлакатлари манфаатлари йўлида мустақамлашдан иборат.


Президент Шавкат Мирзиёев 9 июл куни спорт таълимини ривожлантириш ва Олимпия захираларини тайёрлаш масалаларига доир тақдимот билан танишди. Тақдимотда спорт таълими тизимини тубдан яхшилаш, замонавий дастур ва методикаларни жорий этиш, муассасаларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йил 1 май куни Янги Ўзбекистон боғига илк кўчатлар ўтказилиб, кўкаламзорлаштириш бошланган эди. Бугунги кунда кенг қўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев 9 июл куни бу ердаги бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди. Боғ мазмуни миллий давлатчилигимиз тарихи, халқимизнинг бугунги интилишлари ва Учинчи Ренессанс мақсадларини ўзида мужассам этади. 104 гектарлик боғнинг умумий кўриниши Харакатлар стратегияси йўналишларига монанд раҳбарнинг бешта шохи шаклида бўлади.

Мамаклатимизга ташриф буюрган Туркия ташқи ишлар вазири Мевлут Чавушўғлу Фаргона вилоятидан сафарини бошлаб, диққатга сазовор жойларда бўлди. Туркия ташқи ишлар вазири Маргилон шаҳридаги Хунармандлар марказини бориб кўрди. Мартабали меҳмон Олтиариқ тумани ва Кўкюн шаҳрида ҳам бўлди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги хабарига кўра, 15 июлга ўтар кечаси юртимизга Россиядан “Спутник V” вакцинасининг 70 минг дозалик 1-компоненти, 20 минг дозалик 2-компоненти олиб келинди. Натيجада юртимиздаги “Спутник V” вакцинаси захираси 370 минг дозага етди. Жами вакцина захирами 7 миллион 530 минг дозани ташкил қилмоқда. 14 июл ҳолатига кўра, 5 миллион 275 минг доза вакцина эмлаш жараёнларида қўлланилган.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган “Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида”ги қарор ҳамда “Ешларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ижтимоий фаолигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон эълон қилинди.



ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ БЎЙИЧА КЎРСАТМАЛАР БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 июл куни рақамли технологияларни жорий этиш чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди

1

Мамаклатимизда ахборот технологиялари изчил ривожлантирилиб, аҳолига қулайликлар кенгайтирилмоқда. Бугунги кунда Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 253 хил хизмат кўрсатилаётир. Жорий йилда уларни яна ботага кўпайтириш, 50дан орტიқ хизматларни содда-лаштириш мўлжалланган.

Энг муҳими, бу ишлар сансалорлик, бюрократия ва коррупцияни камайтириб, вақт ва маблағларни тежаш, унумдорликни оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги фармони билан Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегияси тасдиқланган эди. Ушбу стратегияга мувофиқ, 2020-2022 йилларда ҳудудлар ва тармоқларни рақамли трансформация қилиш дастурлари амалга оширилмоқда. Жумладан, тармоқлар бўйича 443та лойиҳа ишлаб чиқилиб, бугунги кунгача 194таси татбиқ этилди. Ҳудудларда дастурдаги 1 минг 643та лойиҳадан 1 минг 172таси жорий қилинди.

Мисол учун, “Ўзтрансгаз” да шартномаларни бошқариш бўйича ахборот тизими жорий этилгани

натيجасида харажатлар 30 миллиард сўмга қисқарган. Шунингдек, 360 турдаги давлат божларини Ягона электрон биллинг тизими орқали тўлаш йўлга қўйилгани ҳисобига 24 миллиард сўм маблағлар тежалган.

Умуман, жорий йилнинг биринчи ярмида рақамли иқтисодиёт соҳасида кўрсатилган хизматлар ҳажми 7 триллион 200 миллиард сўмни, компьютер дастурлаш хизматлари экспорти 17 миллион 500 минг долларни ташкил этган. Лекин, бу соҳада ривожланишдан ортда қолаётган тармоқ ва ҳудудлар ҳам бор. Рақамлаштириш рейтингини 65та ташкилот, 116та туман ва шаҳарда ишлар султ ташкил этилганини кўрсатмоқда.

Тақдимотда давлатимиз раҳбари лойиҳаларни жадаллаштириш, ҳудудларда электрон хизматлар қамровини кенгайтириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Охирги йилларда қилинган ишлар, албатта, ўз натيجасини берди, хизматлар қулай ва одамларга яқин бўлди. Лекин рақамли технологиялар кун сайин ўзгариб, янги-янги имкониятлар очилмоқда. Шунинг учун ҳар бир вазирлик, давлат органи ва ҳудудларда янги

дастурларни жорий этиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш керак, – деди Шавкат Мирзиёев.

Рақамли иқтисодиёт хизматларини 16 триллион сўмга, компьютер дастурлари экспортини 40 миллион долларга етказиш мумкинлиги айтиб ўтилди.

Мобил илова орқали кўрсатилган давлат хизматлари сонини 100тага етказиш, хусусан, коммунал соҳа, кадастр, солиқ, божхона, пенсия ва меҳнатга оид маълумотларни олишга қулайликларни ошириш зарурлиги таъкидланди.

Мугасаддиларга вазир портали, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари порталларини шакллантириш, улардаги маълумотларни мунтазам таҳлил қиладиган тизим яратиш бўйича топшириқ берилди.

“Алоқабанк” акциядорлик тижорат банкига мижозлар учун барча хизматларни мужассамлаштирган ягона платформа яратиш, ахборот технологиялари соҳасидаги стартап лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш вазифаси қўйилди.

Давлат ва хўжалик органлари ходимларининг рақамли технологиялар бўйича саводхонлигини ошириш муҳимлиги қайд этилди.

УЧРАШУВ

ТИШНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИ ЎРГАНИЛМОҚДА

Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетидан республикамизнинг турли ҳудудларидан келган олий таълим муассасалари вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.


Учашувнинг асосий мақсади ТИШнинг жамоатчилик билан алоқалар ўрнатиш, таълим соҳасида рақамлаштириш жараёнларини амалга ошириш ҳамда кредит-модул тизимини жорий этиш бўйича ижобий тажрибасини ўрганиш эди.

Кредит-модул тизими таълимни ташкил этиш

жараёни бўлиб, ўқитишнинг модул технологиялари жамламаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели ҳисобланади. Кредит-модул тамойилида иккита асосий масалага аҳамият берилди: талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш ва талабалар билимининг рейтинг асосида баҳолаш.

Ҳозирда кредит-модул тизими Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетидан ташқари Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Тошкент шаҳридаги Амита университетида жорий этилган.





ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ИНФРАТУЗИЛМАСИ ТАРМОҒИ ЯНАДА РИВОЖЛАНМОҚДА

Глобал тараққиёт шароитида ахборот технологиялари моҳиятини оширишнинг янада замонавий, инновацион усуллари излаб топиш, ахборотлаштириш жараёнига ҳар томонлама кўмаклашиш, уларни ҳаётга кенг жорий этиш давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоқда ҳамда ушбу соҳа ривожини учун бир қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш йўналишида 2021 йил якунига қадар 50 минг км. оптик толали алоқа линиялари қурилади ва уларнинг жами узунлиги 118,6 минг км.га етказилади. Халқаро ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоғини ривожлантириш мақсадида, Халқаро интернет тармоғига уланиш умумий ўтказувчанлик қобилияти 1200 Гбит/с.га етказилди. Жорий йилнинг биринчи 6 ойи давомида республика бўйича кўшимча 24 минг км. оптик толали алоқа линиялари қурилди. 2018 йилда 2 минг 100 км., 2019 йилда 10 минг км., 2020 йилда 32 минг км. оптик толали алоқа линиялари тортилди. Шу билан бирга, кўшимча 200 мингта кенг полосали портлар ўрнатилиши натижасида 2,9 млн. уй хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари ва ижтимоий соҳа объектларининг



кенг полосали интернетга уланиш имконияти яратилди. Режага асосан, 2023 йилга бориб ушбу кўрсаткич 5,8 миллионга етказилади. Бунинг натижасида ижтимоий соҳа объектлари, шу жумладан, барча мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларигача оптик толали алоқа линиялари ётқизилади. Бугунги кунда умумтаълим мактабларининг 87 фоизи, маҳалла фуқаролар йиғинларининг 58 фоизи, милиция таянч пунктларининг 56 фоизини юқори тезликдаги интернет тармоғига улаш имконияти яратилган. Республика бўйича мобил алоқа абонентлари сони қарийб 27 миллионга, қамров даражаси 98 фоиз, кенг полосали мобил интернет қамрови 91 фоизга етказилди. Мобил интернет тезлиги 1,5 баробар оширилди ва 5 744та кўшимча таянч станциялари ўрнатилиб, республика бўйича мобил алоқа қамрови даражаси 98 фоизга, кенг полосали мобил интернет қамрови 91 фоизга етказилди. Ахборот технологиялари ва ком-

муникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан телекоммуникация инфратузилмасини ривожлантириш борасида қуйидагиларни амалга ошириш кўзда тутилган. Яъни, жорий йил 1 сентябрга қадар қолган 302та халқ таълими объекти, 1559та маҳалла фуқаролар йиғини ва 2818та милиция таянч пунктини юқори тезликдаги интернетга улаш имконияти билан таъминланади, 1 октябрга қадар халқаро интернет тармоғига уланишнинг умумий ўтказувчанлик имкониятини 1200 Гбит/с.дан 1800 Гбит/с.гача кенгайтирилади. Шу билан бирга, 50 минг км. оптик толали алоқа линияларини қуриш ва уларнинг узунлигини 118,6 минг км.га етказиш, аҳолини юқори тезликдаги симли интернет билан таъминлаш мақсадида, 900 минг абонентга мўлжалланган замонавий қурилмалар ўрнатиш, кўшимча таянч станцияларини ўрнатиш орқали аҳоли масканларининг мобил интернет билан қамров даражасини

95 фоизгача етказиш учун бир қатор ишлар амалга оширилади. Жумладан, 72та алоқа қамрови мавжуд бўлмаган аҳоли пунктларини мобил алоқа билан қамраб олишни таъминлаш, қўшимча 50 минг км. оптик толали алоқа линиялари қурилиши ҳисобига уларнинг узунлигини 168 минг км.га етказиш орқали маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш ва кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари ҳажмини ошириш, 18 минг км. автомобил йўллари халқаро ва давлат аҳамиятига молик автомобил йўллари мобил алоқа тармоқлари билан тўлиқ қамраб олиш режалаштирилмоқда. Барча аҳоли масканларини камида 10 Мбит/с. тезликдаги интернет тармоғига кенг полосали уланиш билан қамраб олишни ҳамда барча вилоятлар марказларида бешинчи авлод тармоқларини жорий этишни кўзлаган ҳолда мобил алоқа тармоқларини янада кенгайтириш ва модернизация қилиш, шунингдек, олис ва етиб бориш қийин бўлган 120 та аҳоли масканларини мобил алоқа тармоғи билан қамраб олиниши кўзда тутилган. Соҳа ходимлари томонидан 2023 йил якунига қадар халқаро интернет тармоғига уланишнинг умумий ўтказувчанлик қобилиятини 4 500 Гбит/с.га ошириш ва ҳудудлараро магистрал телекоммуникация тармоқлари ўтказувчанлик қобилиятини вилоятлар даражасида 800 Гбит/с.гача ошириш каби вазифалар белгилаб олинган. АКТ вазирлиги ахборот хизмати

ХАМКОРЛИК

ТАТУ ВА “ЎЗБЕККОСМОС” АГЕНТЛИГИ ХАМКОРЛИГИДА ЛОЙИХАЛАР АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Ўзбеккосмос” агентлиги ўртасида учрашув бўлиб ўтди.



Унда иқтисодий инновацион ривожлантириш, илмий-техник, моддий имкониятлар ва кадрлар салоҳиятидан тўлароқ фойдаланиш мақсадида, космик тадқиқотлар ва технологияларни қўллаш бўйича услубий кўрсатмаларни биргаликда ишлаб чиқиш, шунингдек, космик технологиялар ва учувчисиз учуш аппаратларидан олинган маълумотларни қайта ишлаш, улардан фойдаланиш каби масалалар муҳокама қилинди. Шу билан бирга, космик технологиялар ва учувчисиз учуш аппаратлари ёрдамида биргаликда ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш, космик технологиялар ва учувчисиз учуш воситалари ёр-

дамида аэрофотографияни амалга ошириш, унинг натижаларидан фойдаланишни таъминловчи мусобақалар ўтказиш ва мақсадли дастурлар ишлаб чиқариш, ТАТУ базасида космос соҳасида компетентлик маркази ҳамда Ўзбек космоси илмий лабораториясини очиш, ушбу соҳага ёш кадрларни жалб этиш бўйича семинар-тренинглар ташкил этиш каби лойиҳалар юзасидан фикр алмашилди.

РАҚАМЛИ ЎЗБЕКИСТОН-2030

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 апрелдаги 20-сонли йиғилиш баёнининг 163.3 бандида “Икки ой муддатда Ургут тумани инновацион ҳудудга айлантириш мақсадида: Ургут тумани Wi-Fi Hotspot дастури асосида бепул интернет билан таъминлашга маҳаллий бюджет ҳисобидан 1 млрд. сўм ажратишни ҳамда зарур инфратузилмалар яратилишини таъминлаш” бўйича топшириқлар берилган эди.

УРГУТ ТУМАНИДА WI-FI HOTSPOT ҲУДУДЛАРИ

Ушбу топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Халқ депутатлари Самарқанд вилояти кенгазининг 2021 йил 11 июлдаги 254/34-VI сонли қарорига асосан Ургут туман ҳокимлиги билан имзоланган шартнома асосида “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиалига маҳаллий бюджет ҳисобидан 1 млрд. сўм ажратилди. Топшириққа кўра, Ургут туманидаги жами 106та ҳудудда Wi-Fi ҳудуд ташкил қилиш режалаштирилган бўлиб, жорий йилнинг 26 июнидан 08 июлига қадар 69та ҳудуд бўйича техник имкониятлар ўрганилиб 41та нуқта ўрнатилиди. Жумладан, Терсақ маҳалласидаги туристик уй-мехмонхоналар ва Деҳқон бозорига иккита кўшимча нуқта ўрнатилиди ва ишга туширилди. Айни дамда Ургут истироҳат боғига, “Чор чинор”, “Гавсул Аъзам”, “Хўжа Омон”, “Ширвоқ Ота” зиёратгоҳларида, Сўфиён, Сариктепа, Мерганча, Ваткан, Жартепа, Қоратеп, Омонқўтон, Ишчан маҳаллаларида, Янги бозор ҳудудида нуқталар ўрнатиш ишлари давом этмоқда.



Абдуғафур ҲОТАМОВ, “Xabar”нинг Самарқанд вилоятидаги мухбири



Сиявушхон Холматов 22 ёшда, шу йилнинг баҳорида Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетининг ахборот ва коммуникация инжиниринги (ICE) йўналиши бўйича тугатган. Яқинда у Жанубий Кореядаги энг нуфузли университетларнинг биридан KAIST University магистратура босқичида ўқиш учун грант ютиб олди.

ИНТИЛИНГ, ЖУРЪАТ ЭТИНГ ВА ЭНГ ОЛИЙ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШИНГ!

Сунъий интеллект йўналишини танладим

Жанубий Кореянинг Тэжонг шаҳрида жойлашган ойлик стипендия ва тўлиқ ўқиш жараёнини молиявий тарафдан қоплайдиган Корея Илғор технологиялари (KAIST) университетида Сунъий интеллект йўналишига ўқишга кирдим. Магистрик ва докторантурани (MS + Ph.D. Integrated) ўз ичига олган ўқув дастури беш йил давом этади.

Ушбу университет ўта кучли профессор-ўқитувчиларга эга бўлиб, илғор технологиялар соҳасида тадқиқотлар ва ишланмалар билан шуғулланади. QS World University Rankings рейтингига кўра, KAIST дунёдаги барча университетлар орасида 41-ўринни эгаллаган.

Юқорида айтиб ўтганимдек, магистратура ва докторантурада интеграциялашган интенсив ўқиш жараёни беш йил ичида икки илмий даражага эга бўлишга имкон беради. Ва албатта, беш йил давомида бутун ўқиш жараёни молиявий қопланади.

Рақобат кучли бўлди

Университет нафақат Жанубий Кореяда, балки бутун дунёда етакчи мавқега эга эканлигини ҳисобга олсак, топширилган ҳужжатлар оқими жуда каттадир. Бу потенциал талабалар ўртасида рақобатни сезиларли даражада оширади.

Шуни айтиб ўтиш жоизки, сунъий интеллект факултети дунёнинг барча мамлакатларидаги юқори рақобат туфайли, магистратура ва докторантурага ўзбекистонлик талабаларни қилдан аввал ҳеч қачон қабул қилмаган. Мен, Энвер

ва Артём – ИНҲА университети талабалари бу йўналишда биринчи бўлдик.

Мақсад сари интилдик

KAIST қабул жараёни ўзига хос ички имтиҳонлардан иборат эмас, лекин суҳбат ва техник тест топшириғи каби бир неча босқичлардан ташкил топган.

Бошида бу қийин ва стрессли бўлиб кўриниши мумкин, чунки ҳамма нарсада ҳам маълум бир қийинчиликлар бўлади. Аммо сиз ўз олдингизга мақсад қўйган бўлсангиз ва унга эришишга интилангиз, унда барчасини амалга ошириш мумкин деб ўйлайман.

Ушбу университетда ўқишдан мақсадим

Назарий билимларимни ошириш, уларни амалда қўллаш учун илмий раҳбарим раҳбарлигида янги билимларга эга бўлишни асосий мақсад қилиб олдим. Бундан ташқари, кўплаб янги ёрқин таассуротлар олиш, Корея маданияти билан яқиндан танишиш ва янги дўстлар орттириш. Ва энг муҳими, Ўзбекистон ёшлари ўзларини бутун дунёга танитиш учун барча имкониятларга эга эканлигини намоён этиш.

Талабалик ҳаётим

ИНҲА университети ҳаётимнинг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолади. Бу ерда мен мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган кўплаб дўстлар орттирдим. Айтишларича, айнан талабалик йилларида энг кучли дўстлик туғи-

лади. Дўстлар билан биргаликда биз қўшма лойиҳаларда ишладик, қийинчиликларни енгиб ўтишни ўргандик, ривожланишга ҳаракат қилдик ва фақат яхшиланишга интилдик. Мен улардан баъзилари билан KAISTда ўқишни давом эттириш бахтига муяссар бўлганимдан жуда хурсандим.

2018 йилдаги Summer School Contest дастури доирасида, Инчхон шаҳридаги Жанубий Кореянинг ИНҲА университетида ташриф буюриш имкониятини бергани учун университетимдан миннатдорман. Ёзги дастур учун университет тўлиқ ҳомийлик кўрсатган 10 нафар талабадан бири сифатида Кореяга илк бор ташриф буюриш бахтига муяссар бўлганман.

Бутун ўқиш давомида бизга билим берган ва қўллаб-қувватлаган барча профессор-ўқитувчилардан миннатдорман. Менга ишонган ва менинг тавсияномамни KAISTга тақдим этган, ўзимни синоп кўришни маслаҳат берган профессор Фрэнсис Тай Нога, шунингдек, ўз навбатида ташаббусимни қўллаб-қувватлаб, мени KAISTга тавсия қилган профессор Баҳодир Аҳмедовга ташаккуримни билдираман.

Бундан ташқари, Алессандро Агостини, Чонгу Ан, Хонг Жонг профессорлар доимо ёрдам бериб, келажакка тўғри йўлни кўрсатишдан мамнун эдилар.

Тенгдошларимга шуни айтмоқчиманки, қалбингиз ва дилингиз талаб қилаётган бирор нарсани ўзгартиришдан қўрқмаслик керак. Ўзингизга хиёнат қилиб, бутун умр бой берилган имкониятлар ҳақида афсусланиб ўтманг.

Интилинг, журъат этинг ва энг олий ютуқларга эришинг!

EWC-2021

ЎЗБЕК СТАРТАПИ АР-РИЁДАДА 1 МИЛЛИОН ДОЛЛАР УЧУН БЕЛЛАШАДИ

IT-Парк томонидан 13та IT-компаниянинг лойиҳалари иштирокида Ўзбекистонда халқаро Entrepreneurship World Cup мусобақаси ўтказилди. IT-Паркда акселерация дастуридан ўтаётган Smartdeals МЧЖнинг голиб жамоаси шу йилнинг ноябр ойида Ар-Риёда бориб, 1 миллион доллар миқдоридagi пул мукофоти учун кураш олиб боради.

IT-Парк бутун дунёдаги тадбиркорликни қўллаб-қувватловчи энг йирик стартап-экотизими Entrepreneurship World Cup (EWC) инновацион лойиҳалар халқаро танловини ўтказди. Танлов Misk Foundation (Саудия Арабистони), Global Education & Leadership Foundation (Ҳиндистон) ва Global Entrepreneurship Network (AQШ) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда ишбилармонлик масалалари ва жамиятнинг турли соҳаларидаги муаммоларни, шу жумладан, иш билан таъминлаш, логистика, таълим, транспорт ва бошқаларни ҳал қилиш учун 13 компания ўз лойиҳалари билан иштирок этиди.

EWC танлови иштирокчилари орасида Kadabra, Norme, 2work, Micros24, Yulda, Future Lab, EduCare, Homework Online, TalabamizUZ, Hey Taksi, Aidiaabet, A1Kafe, Dis-count каби лойиҳалар асосчилари ҳам бор эди.

Танлов якунларига мувофиқ, голибликни қуйидаги лойиҳалар эгаллади:

1-ўрин – ҳозирда IT-Парк акселерация дастуридан ўтаётган Smartdeals МЧЖ компаниясининг Norme лойиҳаси (<http://Norme.shop>);

2-ўрин – Homework Online лойиҳаси;

3-ўрин – IT-Парк акселерация учинчи тўлқин дастуридан ўтган 2work лойиҳаси (<https://2work.uz/>).

Entrepreneurship World Cupда қатнашиш рақобатчиларга ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятини беради, устозлар ва ахборот технологиялари соҳасидаги халқаро экспертларнинг ҳакамлар ҳайъати олдида ўз лойиҳаларини тақдим этиш учун яхшироқ тайёргарлик кўришларига ёрдам беради.

Голиб жамоа ноябрда Ар-Риёдада Entrepreneurship World Cup финал мусобақаси доирасида Ўзбекистон номидан қатнашади. Танловнинг якуний босқичида дунёнинг турли бурчакларидан 100дан ортиқ компаниялар иштирок этади, улар таълим серверларидан бепул фойдаланиш имкониятига эга бўладилар, тадбир ташкилотчиларидан 75 миллион AQШ долларигача бўлган мукофотлар ва совғалар олишади.



ИТ-ОБРАЗОВАНИЕ

Льготы для поступающих в магистратуру

Университет Амита в Ташкенте предоставляет скидки в размере 40 процентов для поступающих в магистратуру по IT-специальностям.

Для того, чтобы поступить в магистратуру, требуется наличие бакалаврского диплома по специальности «Компьютерный инжиниринг», «Информационные технологии», «Электроника», «Телекоммуникации»), сертификат IELTS 5.0 или TOEFL 35-45, CEFR B1.

Срок обучения – 2 года (4 семестра).

В настоящее время принимаются документы на третий этап сдачи вступительных экзаменов, которые пройдут в августе этого года.



ЭЛЕКТРОМОБИЛИ

В САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ ПОЯВИЛАСЬ ПЕРВАЯ ЭЛЕКТРОЗАПРАВКА

В Самаркандской области появилась первая зарядная станция для электромобилей, следует из данных PlugShare. Это зарядка GB-T DC 30KwT компании Megawatt. Расположена в Булунгурском районе.

Первые электрозаправки в Узбекистане появились в Фергане, затем в Ташкенте и Ташкентской области. Устанавливают их част-

ные компании в разных целях:

Макро строит сеть вокруг своих супермаркетов;

TokBot предлагает компаниям услуги по установке станций;

Megawatt строит инфраструктуру как продавец электромобилей.

Всего на момент этой публикации на картах PlugShare уже указаны 23 зарядки в Узбекистане. Год назад их было всего три.



МОБИЛЬНАЯ СВЯЗЬ

ПРОДАЖИ «КРАСИВЫХ» МОБИЛЬНЫХ НОМЕРОВ НА БИРЖЕ ВЫРОСЛИ В 5 РАЗ

На бирже выросли продажи «красивых» телефонных номеров, следует из данных Узбекской республиканской товарно-сырьевой биржи.


С начала года продажи на mobilqam.uzex.uz составили 400 млн. сумов. Годом ранее было в пять раз меньше.

Платформа была запущена в июне 2019 года. Сначала там были доступны лишь номера Ucell, но уже в октябре 2020 года подключился Beeline, в январе 2021 года – Mobiuz, а в январе 2021 года — Uztelecom.

Это добровольная инициатива — обязательного требования по продаже «красивых» мобильных номеров через платформу нет.



E-AUKSION



УЧАСТОК ДЛЯ УСТАНОВКИ РАДАРА КУПИЛИ ЗА 40 МЛН. СУМОВ

В Узбекистане на аукцион начали выставлять участки для установки радаров. В четверг, 8 июля, первых два таких места успешно проданы, сообщили в пресс-службе E-auction.

С весны 2021 года предприниматели могут устанавливать на дорогах камеры и радары для фото- и видеодетекции нарушений правил дорожного движения.

Места будут закрепляться через аукцион — победители получают локацию на неограниченный срок с правом передачи другим предпринимателям.

Оба участка в Хорезмской области. Если первый ушел почти за стартовую цену (2,3 млн. сумов), то за второй развернулась трехчасовая борьба, которая в итоге закончилась тем, что цена выросла в 27 раз — с 1,5 млн. сумов до 40,3 млн. сумов.

Сейчас на аукционе доступно около 100 лотов во всех регионах. Все лоты сопровождаются информацией об автомобильном потоке и статистикой по выявленным за последние два года на этом участке нарушениям — так можно спрогнозировать, сколько можно заработать на нарушителях.

Планируется, что за счет привлечения предпринимателей в 2021—2022 годах в стране будет установлено 3356 видеокамер и 763 радара.

ОНЛАЙН ПЛАТЕЖИ

НОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ «ЯНДЕКС» НАЧАЛ ПО-НОВОМУ ПРЕДСКАЗЫВАТЬ ПОГОДУ

«Яндекс» запустил Meteum 2.0 — новую технологию прогноза погоды на основе машинного обучения. Об этом сообщили в пресс-службе компании.

Это первая в мире технология метеопрогноза, алгоритмы которой обучаются не только на данных приборов и метеостанций, но и на сообщениях пользователей. В итоге краткосрочный прогноз осадков на «Яндекс.Погоде» стал на 20% точнее.


«Каждый день пользователи присылают больше миллиона сообщений об осадках, а иногда и больше двух миллионов. Эти данные помогли улучшить краткосрочный прогноз осадков по всей стране, а особенно на Урале, в Сибири и на Дальнем Востоке, где нет метеорологических радаров. Посмотреть краткосрочный прогноз можно на карте осадков. Она показывает, как будет развиваться ситуация в ближайшие два часа. Пользователь может взглянуть на карту и решить, когда лучше погулять с собакой или, скажем, сбежать в магазин», — говорится в сообщении.

Отправить сообщение об осадках легко через приложение «Яндекс» или «Яндекс.Погода». Такие сообщения «Яндекс» отмечает зонтиками на карте осадков. И чем больше сообщений присылают пользователи, тем надежнее прогноз.

Прогноз погоды на неделю тоже стал точнее по сравнению с первой версией Meteum. Теперь используется не три, а пять различных моделей прогноза, в том числе своя собственная.

К ним добавили также данные спутниковых снимков и радаров. Информация обрабатывается с помощью модели машинного обучения на базе CatBoost и нейронных сетей. Она позволяет учитывать не только скорость ветра, температуру воздуха и другие погодные параметры, но и дополнительные факторы — например, удаленность от водоема или высоту солнца над горизонтом.

«Яндекс» запустил в Узбекистане карту осадков еще в 2018 году. Пользователи смогут, например, посмотреть, накроет ли ливень центр города или обойдет его стороной.



МИЛЛИАРДЕРНИНГ ПАРВОЗИ

Британиялик миллиардер Ричард Брэнсон дунёнинг энг бой одами, Amazon компанияси асосчиси Жефф Безосдан тўққиз кун олдин, 11 июл куни фазога парвоз қилди.

Ричард Брэнсон ўзига қарашли Virgin Galactic компаниясининг VSS Unity фазовий кемасида суборбитал баландликка парвозни амалга оширди.

Брэнсон билан бирга экипаж таркибиде учувчилар Дэйв Маккей ва Майкл Масуччи, Virgin Galactic бош астронавт-инструктори Бет Мозес, эксплуатация бўйича етакчи муҳандис Колин Беннетт ва ҳукумат билан алоқалар бўйича вице-президент Сириша Бундла фазога йўл олди.

Кема Ердан 80 километр баландликка кўтарилиб, экипаж аэзолари тўрт дақиқа вазнсизлик ҳолатида бўлишди. Сўнгра учувчилар қўл режимида тормозлашни амалга ошириб, планер режимида кемани "Америка" космопортининг учиш-қўниш йўлагига қўндирди.

Маълумот учун: Жефф Безоснинг Blue Origin компанияси парвози 20 июл кунига мўлжалланган. Режага кўра, Безоснинг кемаси Техасдаги космодромда старт олиб, сайёраимиз юзасидан 105 километр баландликка кўтарилади, бунга ўртача 10-15 дақиқа вақт сарфланиши мумкин.

GOOGLE 500 МИЛЛИОН ЕВРО МИҚДОРИДА ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

Франциянинг монополияга қарши курашиш идораси муаллифлик ҳуқуқи масалалари бўйича янгиликлар ноширлари билан қандай музокаралар олиб бориши кераклиги тўғрисидаги мувофиқлаштирувчининг кўрсатмасини бажармаганлиги учун Googleга 500 миллион евро жарима солди, дея хабар бермоқда ИХВТ.



Жарима Google ва Facebook сингари онлайн платформаларга халқаро босим кучайиб бораётган бир пайтда амалга оширилди.

Энди Google кейинги икки ой ичида ахборот агентликлари ва бошқа ноширларга уларнинг янгиликларидан фойдаланганлиги учун қандай бадал тўлаши мумкинлиги тўғрисида таклифлар билан чиқиши керак. Агар бу талаб бажарилмаса, компания кунига 900 минг еврогача қўшимча жаримага тортиб борилади.

"Биз бутун жараён давомида яхши ниятда ҳаракат қилганмиз. Жазо бизнинг келишувга эришиш ҳаракатларимизни ва платформаларимизда янгиликлар қандай ишлашини эътиборга олмаган", - деди Google вакили.



ХИТОЙЛИК ФЕРМЕРЛАР МАҲАЛЛИЙ "ТИКТОК"ДА МИЛЛИОНЛАБ ДАРОМАД ҚИЛИШЯПТИ

Douyin видеоплатформаси (TikTokнинг Хитойда қўлланилаётган тури)ни ишлатишни билган хитойлик уйдабурон фермерлар қўшимча даромад олишни ўрганиб олишди. "Бизнес ҳақида" телеграм-канали ёзишича, тик-токер фермерларнинг контентдан пул ишлаши 15 бараварга ошган ва бу ўсиш давом этапти.

Масалан, Го Ченчен исмли фермернинг 2,5 млн. обуначиси бор, бунинг ортидан у ойига 9 млн. юан атрофида даромад оляпти. АКШ долларига ўтирилса — 1,38 млн. атрофида. Қўшимча даромад дейишга тил бормади...

Стримерларнинг ўзлари фермер-контентларининг бунчалик оммалаштишини аксарият шаҳарликлар табиатни соғинишгани ва пештахталардаги маҳсулотларга унчалик ҳам ишонийшмасликлари билан боғлашмоқда.

ЭСКИ АНДРОИД-СМАРТФОНЛАР УЧУН МУҲИМ ЯНГИЛАНИШ ТЎХТАТИЛАДИ

2021 йил ёзи охирида Android Jelly Bean (4.1 - 4.3 талқинлари)да

ишловчи смартфон ва планшетлар охириги марта муҳим янгилашни қабул қилади. Шундан сўнг эскирган қурилмалар фойдаланувчиларга янгилашиб бошқа тақдим этилмайди.

Android ишлаб чиқувчилари Google Play Servicesни янгилашни бас қилади, деб хабар берилди ушбу операцион тизимни ривожлантириш расмий блогида. Ушбу сервислар учинчи томон дастурлари ва Google Play расмий дўкони ишлаши учун зарур.

Google Play Servicesнинг Jelly Bean қўллаб-қувватланганидан охириги янгилашни 21.30.99 бўлади. Шу билан тамом. Мобил илова ишлаб чиқарувчилардан бундан бундан Android 4.4 KitKat (Jelly Bean дан битта юқори талқин)га ўтиш сўралмоқда.

Android 4.1 (Jelly Bean) 2012 йилда тақдим этилганди. Jelly Bean ўрнатилган смартфон ва планшетлар бутун дунё бўйлаб 1 фоиз ҳам чиқмайди.



Халқаро ҳаёт

АФҒОНИСТОНДА ҚАЛТИС ВАЗИЯТ: РОССИЯ ҲАРБИЙЛАРИ ТОЖИКИСТОНДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИ БОШЛАДИ



Тожикистонда бошланган қўмондонлик-штаб машғулотида Россиянинг Тожикистондаги 201-ҳарбий базасидан мингга яқин ҳарбийлар иштирок этмоқда. Бу ҳақда Марказий ҳарбий округ матбуот хизматида таяниб, "Интерфакс" хабар берди.

"Машғулотлар давомида бўлинма командирлари, жанговар қурол ва ташкиллаштириш хизматлари бошлиқлари динамика равишда ўзгариб турадиган вазиятда жанговар операцияларни режалаштириш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларини ишлаб чиқади. Дала қўмондонлик пунктларини шартли душманнинг радиолокацион разведка, ҳаво ҳужуми воситаларидан ва кўпорувчи-разведка гуруҳларидан яшириш машғулотида алоҳида эътибор қаратилади", - дейилади хабарда.

Аваллоқ Россия Афғонистондаги вазият туфайли Тожикистондаги ҳарбий базасидан фойдаланишга тайёрлигини билдирганди.

ЖССТ ДУНЁДА КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИНИНГ ЯНГИ ТЎЛҚИНИ БОШЛАНГАНИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Дунё коронавирус пандемиясининг янги тўлқини бошланишида турибди. Бу ҳақда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Тедрос Аданом Гебрейесус маълум қилди.

"Ҳозирда учинчи тўлқиннинг илк босқичи-дамиз", - деди у. Гебрейесус 10 ҳафталик пассивдан сўнг ўлим ҳолатлари ўстанига эътибор қаратди. Унинг сўзларига кўра, коронавируснинг "дельта" штамми касаллик юқиши кўрсаткичлари ўсишининг асосий омилли ҳисобланади.

ЖССТ бош директори ҳиндча штамм ("дельта") дунёнинг 11 мамлақатида қайд этилганини таъкидлади.

ҚОЗОҒИСТОНДА ҚУРБОН ҲАЙИТИ ОНЛАЙН ФОРМАТДА ЎТКАЗИЛАДИ

Қозоғистонда Қурбон ҳайитини нишонлаш ва қурбонлик қилиш маросими онлайн тарзда бўлиб ўтади. Бу ҳақда Олмаоғта шаҳрининг бош санитария шифокори Жандарбек Бекшин баёнот берди.

Қурбон ҳайитини нишонлаш 20 июлга тўғри келади. Оммавий тадбирларни ўтказиш бўйича чекловлар туфайли мамлакатдаги масжидлар ёпилади, аммо Қурбон ҳайити байрами уйда ёки онлайн бўлса-да ўтказилади. Мусулмонлар ўз аҳсонларини онлайн платформа орқали амалга

оширишига имконият яратилади. Қозоғистонда ўтган йилги Қурбон ҳайити ҳам карантин шароитида ўтказилганди.

ҲИНДИСТОНДА ЧАҚМОҚ УРИШИДАН 60 КИШИ ҲАЛОК БЎЛДИ

Ҳиндистон шимолида чақмоқ уриши натижасида камидан 60 киши, шу жумладан, ўрта асрлар саройига бораётганда селфи тушишга уринган ўндан ортиқ одам ҳалок бўлди. Бу ҳақда NDTV телеканалда хабар берилди.

Қайд этилишича, Уттар-Прадеш штатида яқшанба, 11 июл куни чақмоқ уриши оқибатида 41 киши ҳалок бўлган. Ҳодиса қишлоқ жойларида бўлиб, қурбонлар асосан аёллар ва болалар.

Жайпур яқинидаги машҳур Амбер сарой мажмуасига ташриф буюрган сайёҳлар орасида ҳам оммавий ўлим ҳодисаси юз берган. Қалъанинг кузатув минорасига урилган чақмоқ ўша пайтда селфига тушаётган 11 кишини ўлдирган.

Штат бўйлаб яна тўққиз киши яқшанба куни чақмоқ уриши натижасида вафот этган.



ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Улуғбек ҳали мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ математикага жуда меҳр қўйиб қизиқар, алгебра ўқитувчисининг уйга берган вазифаларини сидқидилдан тўлиқ бажарар эди.

МЕХНАТ ҚИЛИБ ЧАРЧАМАНГ, УСТОЗ!



У 1972 йили математика фанига ихтисослашган мактабни аъло баҳо-ларга битирди ва Самарқанд давлат университетининг механика-математика факултети талабаси бўлди. Орадан икки йил ўтгач, Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) давлат университети математика-механика факултетига ўқишни давом эттирди. 1978 йилда Ленинград университетини тугатиб, билимини янада мустақамлаш мақсадида, шу университетда стажировкани ўтди. 1980 йилда аспирантурага қабул қилинди. 1983 йилда университет ихтисослашган кенгашида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлди.

1983 йили Ўзбекистонга қайтиб, Самарқанд давлат университетида кафедра ассистентлигидан факултет декани вазифасигагача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтди.

2005 йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг бешта вилоятда филиаллари ташкил этилди. Улуғбек Нарзуллаев Самарқандда очилган филиалга ўқув ва илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига тайинланди. Шу давр ичида домла Шавкат Ҳўрибоев, Нарзулло Ражабов, Аноркул Мўсаев, Абдували Қаршиев, Маҳмадиёр Яхшибоев, Қосим Бекмуродов, Равшан Мардонов каби ўз соҳасининг фидойилари билан биргаликда елкама-елка меҳнат қилди. 2009 йилдан 2013 йилгача бўлган даврда Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиали директори лавозимида ҳам фаолият олиб борди.

Раҳбарлик фаолияти давомида филиалда бешта илмий грантлар татбиқ қилинди. Шу билан биргаликда икки нафар филиал доценти Самарқанд давлат университетига татбиқ қилинган илмий грантларда иштирок этди.

Унинг ташаббуси билан филиалда учта ўқув лаборатория (физика, схемотехника ва ҳаёт фаолияти хавфсиз-

лиги) хонаси ташкил этилди. Ҳозирги пайтда ушбу лабораториялардан филиалдаги телекоммуникация технологиялари таълим йўналиши талабалари фойдаланиб келишмоқда. Шу билан биргаликда, бир қатор етакчи хорижий илмий марказлар билан шартномалар тузилди.

Филиалда ташкил этилган илмий-услубий семинарлар, ҳар йилги олий таълим талабалари ва профессор-ўқитувчилар илмий-амалий конференциялари, тўртта мултимедиа ўқув аудиториялари, ўнта компютер синфи ҳам бевосита қаҳрамонимиз раҳбарлик даврига тўғри келади. Шунингдек, кафедраларда ўқитилаётган ҳар бир ўқув фанларидан ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқилиб, дарс жараёнига татбиқ этилди. Иқтидорли талабаларнинг ўқув-услубий семинарлари, ҳар йили 9та ўқув фанидан фан олимпиадалари ташкил этилди. Шунингдек, натижаси сифатида ҳар йили Дастурлаш бўйича жаҳон чемпионида филиалдан камидан иккита жамоа иштирок этиши таъминланди.

Шу билан биргаликда, филиалнинг ахборот-ресурс маркази 25200 нусхадаги ўқув, илмий адабиётлар ва 3306 номдаги электрон адабиётлар билан бойитилди. Марказда автоматлаштирилган кутубхона тизимлари TUT.TLIB ва KARMAT-N дастурлари татбиқ қилинди, бешта махсус фандан виртуал лабораториялар ўрнатилиб, дарс машғулотларига жорий этилди.

Қаҳрамонимиз 95 номдаги илмий ва услубий ишлар муаллифидир. Унинг муаллифлигида 2012 йили тўртта “Алгебра и теория чисел” (1, 2, 3, 4-қисмлар) номли китоби LAP LAMBERT Academic Publishing GmbH & Co. KG, Germany немис нашриётида чоп этилди. Ҳозирги вақтга қадар ўндан ортиқ услубий қўлланмалари чоп этилди. “Маълумотлар тузилмаси ва алгоритмалар”, “Миллий иқтисодиётда ахборот тизимлар ва технологиялари”, “Алгебра ва сонлар назариясидан масала ва машқлар” ўқув қўлланмалари ҳаммуаллифидир.

Айни дамда домла филиалнинг телекоммуникация технологиялари ва касб таълими факултети декани лавозимида самарали ишлаб келмоқда.

Улуғбек Нарзуллаев умр йўлдоши олий тоифали шифокор Мартаба ая билан биргаликда икки қиз ва бир ўғилни тарбиялаб вояга етказишди. Фарзандларининг барчаси олий маълумотли, турли соҳаларда эл хизматида. Шогирдлари эса нафақат алоқа соҳа корхоналарида, бошқа соҳаларда ҳам самарали меҳнат қилмоқдалар.

Абдуғафур ҲОТАМОВ,
ТАТУ Самарқанд филиали
матбуот котиби

ЭЪЛОН!
Топаров Фахриддин Зиёвиддиновича 2008 йили Тошкент Тиббиёт Академияси томонидан берилган 291975 рақамли Диплом иловаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар, Юнусобод туманининг 19-29-43 манзилида жойлашган “SANTEX ELEKTRO MONTAJ” МЧЖга тегишли муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

СОҲАЛАРДА АКТ

“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ”НИНГ ВИРТУАЛ КЎРГАЗМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ



Президентнинг 2000 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ижроси доирасида “Ўзбекнефтгаз” АЖ корхоналари эҳтиёжлари учун зарур бўлган махсулотларни маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан маҳаллийлаштириш ва улар билан кооперация алоқаларини кенгайтириш мақсадида алоҳида электрон платформа кўринишида Виртуал кўргазма ташкил этилди (ung.cooperation.uz).

Ушбу платформада ташқи ва ички бозорларда сотиб олини-

ши режалаштирилган 25 хил товар гуруҳига мансуб 8500дан ортиқ махсулот турлари ҳақида маълумотлар мавжуд. Бундан ташқари, онлайн платформада тизим корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган 50дан ортиқ турдаги махсулотлар бўйича маълумотлар келтирилган.

Ҳозирда кўргазмани виртуал ташриф функцияси билан жиҳозлаш ишлари якунланди, бунда “Ўзбекнефтгаз” АЖда ишлаб чиқарилган ва импортдан келтирилган махсулотлар ҳақидаги маълумотларни виртуал VR-360 технологияси ёрдамида кўрсатиш имконияти яратилди.

ЭЪЛОН!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасида фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 23 ва 52-бандларига мувофиқ:

“SURHON SUN MILK” масъулияти чекланган жамиятининг (Сурхондарё вилояти) 2021 йил 11 мартдаги маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига;

“QISHLOQ QURILISH BANK” акционерлик тижорат банкининг (Тошкент шаҳри) 2021 йил 11 мартдаги маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига;

“EFFICIENT SOLUTIONS” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) 2021 йил 11 мартдаги маълумотлар узатиш тармоқларини лойиҳалаш, куриш ва фойдаланиш бўйича фаолиятига;

“NAVOIY KON-METALLURGIYA KOMBINATI” давлат корхонасининг (Навоий вилояти) 2021 йил 2 мартдаги маҳаллий ва шаҳарлараро телекоммуникация тармоқларини лойиҳалаш ва куриш бўйича фаолиятига;

“KOMRONBEK FOTO SERVIS” масъулияти чекланган жамиятининг (Самарқанд вилояти) 2021 йил 27 мартдаги маҳаллий телекоммуникация тармоқларини куриш бўйича фаолиятига берилган лицензиялар бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомнинг 49-бандига мувофиқ, “INFOSYS TECHNOLOGIES” масъулияти чекланган жамиятининг (Тошкент шаҳри) маълумотлар узатиш тармоқларидан фойдаланиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича фаолиятига 2016 йил 4 октябрда берилган АА серия 0005993 рақамли лицензиянинг амал қилиши 2021 йил 14 июлдан тўхтатилди.

Qurbon Hayiti

muborak bo'lsin!

UZTELECOM

uztelecom.uz

Xabar**МУАССИС:**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир:

Абдугани АБДУРАҲМОНОВ

Таҳрир Хайъати:

Шухрат СОДИКОВ (Хайъат раиси), Назиржон ҲАСАНОВ,
Коммуна ИРИСБЕКОВА, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Лутфулло ТУРСУНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари),
Усмонжон ЙЎЛДОШЕВ (Масъул котиб).

Таҳририятга келган қўлёма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифнинг фикрлари таҳририят фикридан фарқланиши мумкин.
Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar" дан олинганлиги кўрсатилиши шарт

Газета саҳифаларини тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилди.
Ваҳоси келишилган нарҳда.

МАНЗИЛИМИЗ:

100000, Тошкент шаҳри,
Амир Темур 1-тор кўчаси, 2-уй
(Мўлжал Олой бозори).
Телефонлар: 71-234-18-59, 71-234-18-31.
Факс: 71-234-17-91. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета таҳририят компютер

базасида терилди ва саҳифаланди.

Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ.

Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

ISSN 2010-6424



Газета Ўзбекистон матбуот ва
ахборот агентлиги томонидан
0016 рақами билан 2013 йил
23 июлда рўйхатга олинган.

Газета
ҳафтанинг
жума куни
чиқади

Газета "Ўзбекистон" нашриёт матбаа
уйи босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,
Навобий кўчаси 30-уй.

V 4761 сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми
2 босма табоқ. **Адади:** 5489

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 17.00
Босишга топшириш вақти — 24.00

Вилоят
муҳбирлари:

Андижонда (74) 226-47-80 Бухорода (99)854-7305 Жиззахда (94) 199-95-64 Наманганда (91) 353-71-25 Навоийда (79) 225-91-10 Нукусда 554-35-45 Самарқандда (91)557-84-44 Термизда (99)508-30-52 Тошкентда 234-18-59 Урганчда (97) 211-65-05 Фарғонада (73) 244-18-05 Қаршида (93)931-08-99